Тохириён Абдуллох Шерализода,
Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) марказининг "Таълим технологиялари" кафедраси мудири,тарих фанларни номзоди

ПЕДАГОГИК ҒОЯЛАРНИНГ ФОРС-ТОЖИК МУМТОЗ АДАБИЁТИДАГИ ТАЛҚИНИ

УДК: 37.01
DOI: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_12_1

ТОХИРИЁН А.Ш. ПЕДАГОГИК ҒОЯЛАРНИНГ ФОРС-ТОЖИК МУМТОЗ АДАБИЁТИДАГИ ТАЛҚИНИ

Мақолада Марказий Осиёда педагогик қарашлар ривожининг тенденцияларини ўрганишга доир тадқиқотларнинг таркибий қисмларидан бири бўлмиш бадиий адабиётдаги таълим-тарбия ва ахлоқ масалалари мумтоз адабиётнинг форс-тожик вакиллари томонидан илгари сўрилган ғоялар талқининг таҳлилига бағишланган. Муаллифнинг фикрига кўра, Шарқ мумтоз адабиёти ўз мазмун-моҳияти билан педагогик қарашлар ривожига улкан ҳисса қўшган ҳамда уларни ифодаси тимсолида мазкур адабиёт вакиллари томонидан илмий дидактик асарларга тенг шоҳ асарлар яратилган.

Таянч сўзлар: таълим-тарбия, педагогик қарашлар, педагогик ғоялар, педагогик омиллар, ривожланиш тенденциялари

ТОХИРИЁН А.Ш. ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИДЕЙ В ПЕРСИДСКО-ТАДЖИКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Статья посвящена анализу интерпретации идей, по вопросам воспитания и нравственности в художественной литературе выдвинутых представителями персидско-таджикской классической литературы, что является одной из составляющих исследования по изучению тенденций развития педагогических воззрений в Средней Азии. По мнению автора, восточная классическая литература своим содержанием внесла большой вклад в развитие педагогических воззрений, а по форме своего выражения представители этой литературы создали шедевры, не уступающие научным дидактическим произведениям.

Ключевые слова: образование и воспитание, педагогические взгляды, педагогические идеи, педагогические факторы, тенденции развития.

TOKHIRIYON A.SH. INTERPRETATION OF PEDAGOGICAL IDEAS IN THE PERSIAN-TAJIK CLASSICAL LITERATURE

The article is devoted to the analysis of the interpretation of the ideas put forward by the Persian-Tajik representatives of the classic literature, which is one of the components of the research on the study of the trends of the development of pedagogical views in Central Asia.

According to the author's opinion, Eastern classic literature has made a great contribution to the development of pedagogic views with its content, and in the form of their expression, masterpieces equal to scientific didactic works have been created by the representatives of this literature.

Key words and concepts: education and upbringing, pedagogical views, pedagogical ideas, pedagogical factors, development trends.

Кириш. Адабиётнинг тарбиявий аҳамиятини тавсифлаш, унинг инсон маънавий оламини бойитишдаги ҳамда ахлоқий фазилатларини шакллантиришдаги таъсир кучи орқали ифодаланса теранроқ талқин бўлади. Адабиёт азалдан шахс дунёқарашини, унинг оламга бўлган муносабатини инсонпарварлик руҳида тарбиялашда ўзига хос мақом эгаллаб келган. Бинобарин, муайян маънода, адабиёт кучли тарбия қуроли сифатида ҳамиша халқ хизматида бўлган. Тўғри, адабиёт муаллим ёки ота-она каби бевосита тарбия билан шуғулланмайди, аммо у туйғуни, дидни, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги тасаввур чегарасини, кўнгил ва қалбни тарбиялайди. Шунинг учун у тарбия воситасидир[1].

Адабиётнинг жамиятдаги мақоми туфайли ҳамда педагогика ривожида салмоқли ҳиссаси борлиги боис, педагог олимларнинг адабиёт майдонидан педагогик ғоялар, қарашлар ва мулоҳазаларни ўрганиб, уларнинг шахс шаклланишидаги зиё нури каби зарур омил сифатида қадрланишлари бежиз эмас. Айниқса, мумтоз адабиётнинг педагогик ғоялар ривожидаги салмоғи эътиборлидир.

Мавзунинг долзарблиги. Педагогик ғоя ва қарашларнинг қадимги замонлардан бошлаб ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш орқали, Ер куррасининг қайси нуқтасида бўлишидан қатъий назар, инсоният маънавий тараққиётининг босқичма-босқич юксалиши борасидаги босиб ўтилган йўл манзараси ойдинлаштирилади. Айнан шу нуқтаи назардан, мумтоз адабиёт вакилларининг адабий-бадиий меросидан сабоқ излаб, аждодлардан авлодларга қолдирилган тарбия манбаларини синчковлик билан таҳлил этиб, замонавий педагогик таълимотларга уларни сингдириш, бугунги инсоният тарихининг ривожланиши босқичида ўта долзарб масалага айланиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагогик ғоя ва қарашлар ривожидаги тамойиллар алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган бўлса-да, педагогика ва таълим-тарбия тарихига бағишланган илмий тадқиқот ишларда адабиёт манбаларидан, жумладан, мумтоз адабиёт вакиллари асарларидан дуру-жавҳар излаб, топиб, тарбиявий жараёнларга тақдим этилган нашр ишлари талайгина. Айниқса, Шарқ мумтоз адабиётидан олинган манбалар эътиборга сазовор. Бинобарин, мумтоз адабиётнинг педагогик ғоя ва қарашлар ифодасига бағишланган мавзу атрофида қилинажак илмий тадқиқот ва изланишлар кўлами кенг ва манбалари фаровондир.

Таъкидлаш жоизки, мумтоз адабиёт намуналарини турли жиҳатларини ўрганишга доир тадқиқотлар хорижий олимлар томонидан ҳам амалга оширилган бўлиб, мазкур илмий изланишларда шарқ адабиёти поэтикаси, мумтоз адабиётнинг муайян қирралари ва уларни ўрганиш муаммолари, мумтоз адабий-бадиий мерос ва тарбия масалалари тадқиқ қилинган[2].

Аждодларнинг бой адабий меросини илмий таҳлил доирасига йўналтириш орқали бугунги таълим ва тарбия мазмунига миллийлик руҳи, қадриятлар оҳангини сингдириш, педагогика фани учун муҳим тадқиқот майдонига айланиши лозим. Айтмоқчи бўлганимиз, муаммонинг ўрганилганлик даражаси айнан бугунги кун тақозосидан ҳали анча ортда қолмоқда.

Ушбу мақолани яратишдан мақсад педагогик ғояларнинг ривожланиш манзарасини тарихий давр ва замонлар билан боғлиқ ҳолдаги такомиллашуви тамойилларини ўрганиш учун, Ўрта Осиё халқлари мумтоз адабиётининг таркибий қисми бўлган форс-тожик адабиётдаги педагогик ғоялар ва қарашларнинг талқинига доир мулоҳазаларни умумлаштиришдан иборат. Чунки, замонлар ўзгарар экан, қарашлар, ғоялар ва албатта илмий парадигмалар ҳам ўзгариб туриши табиийдир. Бинобарин, ҳозирга қадар педагогик ғояларнинг мумтоз адабиётдаги ифодаси масаласи назарий-монографик асосда мах-

[1] Назар Эшонқул. Адабиёт – тарбия воситасими?.. https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/nazar-eshonqul-adabiyot-tarbiya-vositasimi/ (мурожаат санаси – 17.01.2023)

[2] Иванов С. Н. Пять веков узбекской газели. // В красе нетленной предстаёт. – Москва: Наука, 1977.; Голубков В. В. Методика преподавания литературы. – М.: Госучпедгиз, 2002.; Бондаренко С.М. Учите детей сравнивать. – М.: Знание, 1981.; Лейтес Н.С. Умственные способности и возраст. – Москва: Педагогика, 1971.; Смагулов К. Н., Смагулов М. Н. Классические образовательные практики ислама на примере Центральной Азии: традиции и современность. // Мусульманский мир. – 2016. – https:www.brighthubedu cation.com.

сус тадқиқ этилмагани, айнан, мумтоз адабиёт намуналарини таълим-тарбия йўналишидаги мақомини ўрганишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Мақоланинг илмий моҳияти Педагогика фани тадқиқот мавзулари доирасида Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Саъдий, Жомий каби машҳур шоир ва олимларнинг асарларига мурожаат этиб, уларнинг панд-насиҳат, таълим-тарбия ва ахлоқ-одоб мавзусида айтган қимматли фикрларидан мисол ва парчалар келтириш орқали инсонни маънавий ва руҳий гўзалликка ундовчи ҳаёт тажрибалари заминида бунёд бўлган буюк тарбия мактабидан сабоқ олиш имкониятларини асослашга йўналтирилган. Уйлаймизки, миллий педагогиканинг ўзига хос жиҳатларини бойитишда мумтоз адабиёт вакиллари ўзларининг асарлари билан халқ эҳтиёжини англаб, сезиб ижод қилганлар ва улар таълим-тарбияни башарият тафаккури ривожи ҳамда инсоният борлигини энг саҳиҳ ифодаси сифатида турли мазмун ва шаклларда тараннум этишга муваффақ бўлганлар. Айнан, шу ғоялар кеча аҳамиятли бўлган, бугун зарур бўлмоқда ва эрта албатта яна долзарб бўлади тамойили асосида мунтазам ва янгидан янги мазмун ва талқинларда ўрганилиши лозим.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, асосан, форс-тожик адабиётининг йирик вакиллари Рудакий, Сино, Фирдавсий, Саъдий ва Жомий каби сиймоларнинг дидактик руҳдаги асарлари бўлиб, халқлар маданиятининг бир-бирлари билан яқиндан узвий ҳамкорликда бўлганлигидан далолат берадиган нодир мерос танланди.

Тадқиқот натижалари. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб, бутун Шарқ, жумладан, Марказий Осиё халқлари бадиий ижодида таълим ва тарбия муштарак жараёнлар ҳисобланган ҳамда бир вақтнинг ўзида қардош халқлар адабиёти намояндаларининг асарларида ҳам ушбу муштараклик мазмунан бир-бирларига яқин тарзда талқин этилган. Шунингдек, уларнинг ижод маҳсуллари, айтайлик, фақат араб тили, форс-тожик тили вакилларигагина тарбиявий, ахлоқий ва эстетик завқ бағишлабгина қолмай, балки туркий ва бошқа халқлар орасида ҳам ўзининг катта таъсирини ўтказиб келган. Айниқса, форс-тожик адабиёти вакилларининг асарлари туркийзабон мутафаккир шоир ва ёзувчиларнинг бой қўлёзма меросларида ҳам ижодий такомил даражасида ўз аксини топгани эътиборга сазовор. Бундай манзара, азалдан шу ҳудудда яшаб ижод қилган турли халқлар вакилларининг бир-бирлари билан яқиндан узвий ҳамкорликларини ифодасидир.

Мумтоз адабиётнинг ижтимоий илдизлари замоннинг ҳукмрон муҳитини тасвирлаш, уни бадиий воситалар орқали талқин қилиб, поклик, эзгулик, ростгўйлик каби фазилатларни риёкорлик, қабиҳлик, товламачиликка қарши қуйиб, тарбиявий омилларни халқ ихтиёрига манзур этиб, кишиларни тўғри хулоса чиқаришга ундашлари билан эътиборлидир. Араб, форс-тожик ва туркий тилларга ўзаро таржима қилинган асарларда ҳам шу руҳият тўлиқ ифода этилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунончи, қадимги ҳинд эпоси "Панча тантра" (Беш китоб)ни мисол қилиш мумкин. Бу асар олтинчи асрда санскрит (қадимги ҳинд) тилидан паҳлавий (қадимги форс) тилига, саккизинчи асрда эса араб тилига таржима қилинди.

Шу асар Ўрта Осиё ва бошқа жойларда ҳам шуҳрат топиб, бош қаҳрамонларининг номи билан «Калила ва Димна» деб юритилди. Унинг образ ва мотивлари асосида янги-янги асарлар вужудга келди (масалан, Абуабдуллоҳ Рудакий яратган «Калила ва Димна» достони), айрим масал ва ҳикоялар фольклор ва ёзма адабиётда мустаҳкам ўрин олди.

Ўзбек халқи адабиётида ҳам «Калила ва Димна» кенг тарқалган, ҳатто бир неча бор ўзбек тилига таржима қилинган, ўзбек фольклори ва ёзма адабиётида маълум из қолдирган[1]. Қолаверса, ундан олинган мазмун ва руҳ турли замонларда халқ ривоятлари, ибратомуз ҳикоялар, масаллар ва ҳикматли сўзлар, назм ва насрда ўз ифодасини топди.

Таржима қилинган асарлар бошқа халқ вакилларига нафақат асарнинг ўзини, балки энг муҳими, ундаги ғоя ва қарашларини талқин этади. Натижада, шу ғоялар остида янгидан янги ижод намуналари вужудга келди. Мисол учун, Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» асаридаги саккизинчи рав-

[1] Маллаев Н.М., Навоий ижодиётинннг халқчил негизи. – Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти, 1980, 117-бет.

задан олинган жуда кўп масалларни учратиш мумкин ёки Ҳорун ар-Рашид халифалиги даврида ҳозиржавоблиги билан шуҳрат қозонган қаландар Баҳлул тўғрисидаги мутойибалар манбаи ҳам Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» асаридир[1].

Шу каби асарлар замиридаги панду насиҳатлар шахсга ўз дунёқараши ва руҳий табиатидаги камчиликларни ислоҳ қилиш учун маълум ижобий хулосалар чиқаришга ғизо манбаига айланади. Яна бир муҳим жиҳат, бу ўгит ва насиҳатлар ўтмишдаги буюк кишилар, улуғ мутафаккирлар ва донишмандлар мушоҳадалари натижаси сифатида таъсирли ва ҳикматли сўзлари орқали ўқувчи онгига етказилади. Уларни диққат билан ўрганар эканмиз, мумтоз адабиётимиз анъаналарига амал қилинган ҳолда мазмун билан шакл доимо ҳамоҳанг бўлиб келганлигига шоҳид бўлиш мумкин. Бу ҳол, асарлардан келтирилган мисолларда ҳам, халқ мақол ва масалларининг ўз ўрнида ишлатилишида ҳам яққол кўриниб туради.

Замонасининг педагогик қарашларини бадиий образлар ва ғояларда ифода этган мумтоз адабиёт ижод намуналари, айнан, давр тақозоси руҳидан келиб чиқиб, таълим ва тарбия тизимини тегишлича таҳрир ва ислоҳ йўлига йўналтириш мақсадида, зарур ғояларни панду насиҳат ва тарбиявий ўгитлар мазмунида ифода этишга муяссар бўлган. Бундай сон саноқсиз шоҳ асарлар орасидан Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Шайх Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр», Мавлоно Воиз Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий», Фахриддин Али Сафийнинг «Латойиф ут-тавойиф», Зайниддин Муҳаммад Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақойеъ», шунингдек, яна кўплаб мутафаккирлар асарларни тилга олиш мумкин.

Биз аниқ мақсадга таянган ҳолда, турли таълимий-тарбиявий руҳдаги дидактик бадиий асарлар, уларнинг аҳамияти ва ўқувчиларга таъсир кучи нуқтаи назаридан келиб чиқиб, асосан, форс-тожик мумтоз адабиётидаги педагогик ғоялар тамойиллари талқинининг таҳлилига урғу бердик. Ўрганилган манбалар, энг аввало, ўзларидаги ижобий инсоний фазилатлар, айниқса, номус ва поклик, инсоф ва адолат, мурувватлийлик ва ҳақгўйликка зулм ва қабиҳлик, товламачилик ва порахўрлик, муттаҳамлик ва риёкорлик каби салбий хислатларни қарама-қарши ёритилганлиги билан эътиборни тортди. Қолаверса, кўп асарларнинг сюжет марказидаги салбий образлар ҳажвий унсурлар орқали шундай фош қилинадики, ижобий ва салбий шахслар ўртасидаги фарқни мулоҳаза қилиб, шахс ўзида адолат ва меҳрибонлик каби инсоний фазилатлар камол топишига ишонч туйғусини шакллантиради.

Форс-тожик адабиётининг таниқли ва машҳур сиймоларидан Рудакий, Сино, Фирдавсий, Саъдий ва Жомийларнинг педагогик ғояларини шаклланишига доир далилларни келтириб, улардаги ривожланиш тамойилларини кўриб чиқар эканмиз, ҳар қандай ўзгаришларда ижтимоий омилларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратдик, чунки айнан шу омиллар ғоялар табиатига таъсир қилиши кузатилади.

Форсийзабон, жаҳон маданияти тарихига буюк шоир, фан ва адабиёт соҳиби, билимдон донишманд, форс-тожик шеърияти ва адабиётининг асосчиси **Абу Абдуллоҳ Рудакий**нинг шеър ва ғазалларида унинг педагогик ғоялари кенг миқёсда ўз ўрнига эга бўлиб, уларнинг бош ғояси ушбу сатрларда ифода этилган, десак, асло муболаға бўлмайди:

Ҳаркий наомўхт аз гузашти рўзгор,
Ҳеж наомўзад зи ҳеж омўзгор
Таржимаси:

Кимда-ким ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.[2]

Маълумки, Абу Абдуллоҳ Жафар Рудакийнинг меҳнатсеварлиги, қизиқувчанлиги, билимдонлиги унинг ўз даври илм-фан ва адабиётини пухта эгаллашига, ижоди билан машҳур бўлишига имконият яратган. У мада-

[1] Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. // Ш.Шомуҳамедов таржимаси. // «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1979, 49 ва 88-бетлар.

[2] Ҳамиджон Ҳомидий. Одамуш-шуаро — Абу Абдуллоҳ Рудакий // ttps://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/odamush-shuaro-abu-abdulloh-rudakiy/ (мурожаат санаси – 08.02.2023)

ният саҳнасига мафтункор ва умумбашарий қўшиқлари билан йўл топган. Рудакий тарбия ва муҳитни шахс шаклланишининг асосий омиллари деб ҳисоблаган. Унинг ғояларига кўра, инсонни тарбиялаш серқирра бўлиши керак. Инсон вояга етгунга қадар жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия олиши лозим, дейди у, айниқса, шахсда тўғри тана, яхши хулқ, яхши ном ва донолик фазилатлари шаклланган бўлиши даркор.

Шоир донишмандлик ва билимни инсон онгини ривожлантиришнинг асосий манбаларидан бири деб ҳисоблаган. У илм ва билимни дунёнинг барча хазиналаридан устун қўйиб, мусулмонларни мунтазам илм ўрганишга, изланишга чорлади.

Илм ва билимни қалб нури, ақл ва ҳикмат нури деб билган буюк шоир, илм-маърифатни тарбиянинг асосий шарти ҳисоблаб, фарзандини ўқитишга ҳаракат қилмаганларни қоралаган. Рудакий ўз даври ғояларига зид бўлиб, шахс шаклланишида ирсият эмас, балки таълим-тарбиядаги муҳитнинг ўрнини энг муҳим омил санаган. Шу тариқа мутафаккир ўз ижодида ҳаётни устоз, инсон тарбияси манбаи сифатида тасвирлаган.

Рудакий таълим тизимида илм ва фанни ўрганишни зарур деб билади ҳамда инсоният жамиятининг тараққиётини ўрганиш ва билишда кўради. Унинг таъкидлашича, билим ва донолик ҳар доим жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшган.

Рудакий нуқтаи назаридан инсоният илм-фан ва билимларни авлоддан-авлодга мерос қилиб олди ҳамда доно ва билимдон одам ҳар хил офат ва тўсиқларни донолик ва билим ёрдамида енгиб, бахт ва саодатга эришди:

Дониш андар дил чароғи равшан аст
В-аз ҳама бад бар тани ту ҷавшан аст.[1]
Таржимаси:
Одамлар қалбининг чароғи билим,
Балодан сақланиш яроғи билим.[2]

Одамларга ҳаёт йўл-йўриқларини кўрсатиб, инсон тоғдек барқарор бўлиши, нохуш ҳодисаларни мардлик, шижоат билан енгиб ўтиши кераклигини таъкидлаган ижодкор фикрича, ҳар қандай машаққат ва қийинчилик эзгулик, маҳорат ва мурувват билан енгилади.

Инсонпарвар шоир ўз асарларининг мазмунига одамлар ўртасида дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ғояларни сингдирган. Унга мувофиқ, севги, дўстлик ва садоқат инсонга бой маънавий таъсир кўрсатадиган инсоний туйғулардир.

Рудакий тарбия бобида ёш авлодни камтарлик, одамийлик, тинчликсеварлик, ростгўйлик, адолатпарварлик, саховатпешалик ва бошқа эзгу инсоний фазилатларга даъват этган. Бу улуғ зотнинг таълим-тарбия соҳасида айтган сўзларидан асрлар ўтган бўлса-да, ўзининг тарбиявий-ахлоқий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Отаси ҳомийлигида мактаб ва мадрасаларда таҳсил олиб, ўз даврининг илмларини ўрганган **Абулқосим Фирдавсий**нинг "Шоҳнома"сида ҳам педагогик ғоялар ўзгача ўз ифодасини топган.

Фирдавсий "Шоҳнома" орқали Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг кўп асрлик қадимги маънавий маданияти тараққиётига, маданий сўз санъатига, бадиий адабиётнинг такомиллашувида ҳамда қаҳрамонлик эпосида янги давр бошлаб берди. Халқ оғзаки адабиётининг қадимий ва бой ёдгорликларидан, ёзма манбалардан ижодий фойдаланган буюк шоир "Шоҳнома"даги қаҳрамонлик образларда халқнинг ватанпарварлик, қаҳрамонлик, фидокорлик, дўстлик, мушфиқлик, донишмандлик ва ижодкорлик каби олийжаноб фазилатларини юксак санъат маҳорати билан бадиий мужассамлаштиришга муваффақ бўлган. У халқнинг бахт – саодатини, осойишталиги ва фаровонлигини орзу қилади[3].

Шоирнинг юксак даражадаги шеърияти, шеъриятни чуқур англаш қобилияти, унинг ўлмас "Шоҳнома"сини яратишга имкон яратди. Манбаларда келтирилишича, Фирдавсий бу дурдона асарни 30 йил давомида ижод қилиб, Султон Маҳмудга тақдим этган экан, бироқ, шоҳнинг ғайриинсоний муносабати сабаб тушкунлик гирдобида ўз қишлоғида сарсон бўлиб, ниҳоят ёруғ дунёни тарк этган.

[1] Рӯдакий А. Ашъор. - Душанбе: «Адиб», 2007, с. 43.

[2] Рудакий ва Бобо Тоҳир шеъриятидан Шоислом Шомуҳаммедов таржималари. - Т., 1994, с. 61.

[3] Ўринова Б. Ўзбекистон тарихини ўрганишда тарихий бадиий асарлардан фойдаланиш / Монография / Бухоро, БухДУ, – 2020, 12-бет.

Педагогика фани тарихида Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си нафақат қаҳрамонлик ҳикояси, балки тарбиявий-ахлоқий ғоялар мужассамланган асар сифатида тавсифланади. Чунки, муаллифнинг фикрига кўра, бола тарбиясини болаликдан бошлаш, уни ёшлигидан санъатга ўргатиш зарур. Бундан ташқари, фарзандга жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбия берилиши лозим. Айниқса, ўғил бола ёшлигидан от миниш, чавандозлик, овчилик, қиличбозлик, камондан отиш ва бошқа санъатларни ўрганиши зарур деб ҳисоблаган.

Фирдавсий эпчиллик, бунёдкорлик, мардлик, қаҳрамонлик, санъат, билим, иффат ва ҳоказоларда эркаклардан ҳам устун бўлган аёл ва қизлар образини яратган биринчи шахсдир. Чунончи, "Шоҳнома"да эркаклардан устунликка эга бўлган Меҳрак исмли қиз образи тасвирланган бўлиб, унинг тимсолида асосан, аёл ва қизларга хос ватанпарварлик туйғулари тасвирланиб тавсифланган. Мутафаккирнинг таъкидлашича, ота-онанинг фарзандга бўлган эҳтироми инсоннинг гўзал ахлоқий фазилатларидан биридир.

Беш ёшидан ўқишга киришган, ўн ёшида Қуръонни тўлиқ ўзлаштирган, адабиёт, араб тили грамматикаси, талаффуз, луғат ва бошқа фанларни ўрганган **Абуали Ибн Синонинг** педагогик қарашлари ҳам миллий педагогикамиз ривожига улкан ҳисса қўшган. Тўрт юзта асар муаллифи, жумладан, йўқолган "Китоб-ул-инсоф" асари 20 жилддан иборат бўлган. Сино ўн саккиз ёшида тиббиёт фани соҳасида уста бўлган. "Ал-қонун-фи-тиб" асари асрлар давомида Шарқ ва Ғарб табиблари учун билим манбаи, дарслик сифатида хизмат қилган.

Ибн Сино таълим-тарбия ва ахлоққа оид "Тадбир ал-манозил" (Турар жойни бошқариш чоралари), "Рисола фи илм ал-ахлоҳ" (Ахлоққа оид рисола), "Рисола фи ал-аҳд" (Бурч ҳақида рисола), "Рисола фи тазкият ан-нафс" (Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола), "Сиёсат ал-бадан", (Баданни бошқариш), "Китоб ал-ансоф" (Адолат ҳақида китоб) каби бир неча асарлар яратган[1]. Синонинг тарбиявий ғоялари «Донишнома», "Руҳ рисоласи", "Пирузнома", "Тадбир ал-манозил" каби асарларида ҳам ифодаланган. Айниқса, унинг " Тадбир ал-манозил " рисоласида тарбия масаласи кўпроқ таҳлил этилган. Хусусан, инсон тайёр шахсий сифат, одат ва кўникмалар билан туғилмаслиги қайд этилади Синонинг фикрига мувофиқ, ахлоқий тарбия руҳ тарбияси билан чамбарчас боғлиқ жараёндир. У руҳни ақлга бўйсунувчи омил ҳисоблаб, инсонни ҳайвонлардан фарқини кўрсатадиган восита деб билган.

Энг муҳим ва машҳур бўлган Синонинг педагогик қарашларидан бири, таълимни туғилган кундан бошлаб белгиланиши ва олти ёшидан таълим олишни таклиф қилганидир. У олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган даврни болалик даври сифатида тавсифлаган. Яна бир муҳим жиҳат шуки, Сино таълим-тарбияни икки босқичга ажратди, яъни тил ва ахлоқ, Қуръон, ўрганиш биринчи босқич бўлса, касб-ҳунар ўрганиш иккинчи босқич вазифаси эканлигини асослаб кўрсатди.

Ахлоқ ҳақидаги рисоласида ахлоқий хислатлардан иффат, қаноат, сахийлик, шижоат, сабр, мулойимлик, сирни сақлай билишлик, очиқлик, фаросатлилик, дўстлик, вафодорлик, камтарлик, адолатлилик каби ахлоқий категорияларга таъриф беради. Улуғ мутафаккир меросида илм ва ахлоқ уйғунлиги масаласи алоҳида ўрин тутади.

Ибн Синонинг таълим-тарбияга оид фикр-мулоҳазалари ўзига хос мазмун моҳиятга эга. Чунончи, агар қадимги Юнон файласуфлари Платон ва Аристотеллар бола тарбиясини давлат ихтиёрига қўйиб, тарбия жараёнидаги барча зарур ишларни давлат мажбуриятига ағдариб қўйган ва бола тарбияси билан шуғулланиш жамият ва давлат манфаати учун зарур ва фойдалироқ, деб таъкидлаб, бу тарздаги қарашларн билан тарбияни ота-она гарданидан соқит қилган бўлсалар, Ибн Сино бунинг аксини айтади. У бола тарбияси билан аввало оила, ота-она шуғулланмоғи лозим, дейди. Ҳатто Ибн Сино ёшлигидан бола тарбиясига лойиқ тарбиячини ҳам ота-онанинг ўзи танлашини уқтиради[2].

Бағдоддаги "Низомия" мадрасасида таҳсил олиб, замонавий илм-фаннинг турли соҳаларини ўрганган, **Саъдий Шерозий-**

[1] Ҳ. Жонматова Абуали ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида – Т.: "Ўқитувчи" – 1980, 10-бет.

[2] Ҳ. Жонматова Абуали ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида – Т.: "Ўқитувчи" – 1980, 19-бет.

нинг педагогик ғоялари жаҳон миқёсидаги педагогик қарашларга туртки берувчи манба сифатида хизмат қилади, десак, айни ҳақиқат бўлади. Саъдий асарлари қадимдан ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. "Бўстон" ва "Гулистон" асарлари мадрасаларда асосий дарсликлар сифатида ўқитилиб келган. Мумтоз шоирларимиз бу улуғ сўз санъаткоридан ўрганганлар, таъсирланганлар. Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб", Хожанинг "Гулзор", Абдулла Авлонийнинг "Туркий "Гулистон" ёхуд ахлоқ" асарлари бевосита Саъдий "Гулистон"и таъсирида яратилган. "Девони Фоний"да Саъдий ғазалига 22 га татаббуъ, унинг таврида 4 та ғазал мавжуд[1].

Саъдий шахснинг шаклланишида ирсиятнинг аҳамиятини инкор этмаган, балки унинг нафислигини, шаклланишини, айнан, тарбияда кўради. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, Саъдийнинг таълим-тарбия масалалари ҳақидаги фикрлари доим ҳам барқарор бўлмаган. Масалан, унинг сўзларига кўра, ҳаммани ҳам ўқитиб бўлмайди. Шоир инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятини зўравонлик қилмаслида кўради. У учун инсоният бутун бир организм.

Эътиборга сазовор бир фактга ўрғу беришни лозим топдик. Бу ҳам бўлса, Саъдийнинг узоқ саёҳатлардан сўнг ўз шаҳрига қайтиб келиб "Бўстон" ва "Гулистон" асарларини ёзганлиги. Дунё кезиб, олам кўриб, одам ўрганиб, Саъдий ўзининг тарбиявий-маърифий қарашларини айнан шу икки асари "Бўстон" ва "Гулистон"да баён қилган.

"Бўстон" ўн қисмдан иборат бўлиб, биринчи боб — одиллигу тадбиру андиша зикрида; иккинчи боб — эҳсон зикрида; учинчи боб — ишқу ошиқлигу мастлик зикрида: тўртинчи боб — тавозеъ зикрида; бешинчи боб — ризо зикрида; олтинчи боб — қаноат зикрида; еттинчи боб тарбият олами зикрида; саккизинчи боб — шукру омонлик зикрида; тўққизинчи боб — тавба ва савоб йўли зикрида; ўнинчи боб — муножот ва китоб хотимаси зикрида.

"Гулистон" саккиз бобдан иборат бўлиб, таркибий тузилиши дебоча; биринчи боб — подшоҳлар сийрати зикрида: иккинчи боб — дарвешлар ахлоқи зикрида; учинчи боб — қаноат фазилати зикрида; тўртинчи боб сукут сақлашнинг фойдалари зикрида; бешинчи боб — ишқ ва ёшлик зикрида; олтинчи боб — қарилик ва заифлик зикрида; еттинчи боб — тарбият таъсири зикрида; саккизинчи боб — суҳбат одоби зикрида каби қисмлардан иборат[2].

Кўриниб турганидек, ушбу асарларнинг ҳар бир боби инсон тарбияси учун зарур омилларни ёритишга йўналтирилган. Қолаверса, "Бустон"нинг еттинчи боби "Тарбия таъсири" деб номланиб, унда одоб-ахлоқ ҳақида муфассал сўз юритилади. Шахсни шакллантиришда Саъдий тарбия, таълим, илм-фан ва атроф-муҳитни муҳим деб билган. У таълим-тарбияни шахс камолотининг асосий омилларидан бири деб ҳисоблаган.

Саъдий инсонпарвар мутафаккир сифатида болаларнинг таҳқирланишига йўл қўймаган, лекин болаларни билимли, одобли қилиш учун жисмоний жазони рад этмаган. Шунинг учун, унинг "Ўқитувчининг жабри ота меҳридан афзалдир" деган фикри ҳамиша устувордир.

Абдураҳмон Жомийнинг тарбиявий ғоялари ўзга бир оламдир. Ҳиротнинг Низомий мадрасасида таҳсил олиб, илм-фан ва шеърият билан шуғулланган буюк шоир Саъдий Шерозийнинг "Гулистон"ига эргашиб, "Баҳористон" асарини яратган.

Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон" асари аввалambор тарбиявий-дидактик асар ҳисобланади. Муаллифнинг ғояларига кўра, кишилар нафақат ақлий қобилияти, балки хулқ-атвори жиҳатидан ҳам фарқланади. У ёзади: "Ақлий камчиликни илм ва илм ўрганиш, зиёли кишиларнинг маслаҳати билан бартараф этиш мумкин". Асарнинг биринчи боби дарвешлар ҳақида ёзилган бўлиб, буюк шайхлар, сўфий олимлари ҳақида, уларнинг халққа яқинлиги, ҳоким ва хонларнинг адолат йўлига буриб туришга уринишлари ҳақида ҳикоя қилади. Тарихий манбаларга кўра, тасаввуф шайхлари халқ манфаати, давлат фаровонлиги ва халқ осойишталиги учун сиёсий институтларнинг имкониятларидан ҳам фойдаланишга. Бунга Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг сўзлари мисол бўлиши

[1] https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/sadiy-sheroziy/ (мурожаат санаси – 09.02.2023)

[2] https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/sadiy-sheroziy/ (мурожаат санаси – 09.02.2023)

мумкин: "...Бизгача шайхлар оддий халқ иши билан амирларга, подшоларга мурожаат қилмаганлар, лекин биз бу иш билан ҳамма вақт шуғулланамиз... Биз бундай қилиш зарур деб ҳисоблаймиз"[1].

Қадимий Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида X асрдан бошлаб жавомардлик ҳаракати анча кенг ёйилган эди. Жавонмардлар муайян қоида-талабларга риоя этар, маънавий ва жисмоний етукликка интилар, қаердаки бўлмасинлар ва нима иш билан шуғулланмасинлар, мардлик ва олийжаноблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашардилар, хўрланганлар ва таҳқир этилганларни ҳимоя қилардилар. Улар учун дунё бойлиги эмас, балки инсон қадри устун турган[2]. Жавонмардлик ёки футувват тариқати ўзида юксак инсоний фазилатларни акс эттириб, Абдураҳмон Жомий даврида ҳам ривожланиб кетган ва албатта, Жомий ижодиётида ҳам ўз аксини топган.

"Баҳористон" асари бугунги авлод учун бебаҳо хазинадир. Чунки асар комил инсон ахлоқига қаратилган бўлиб, барча юксак инсоний фазилатларни ўзига мужассам эттирган. Айниқса, бугунги кунда оммавий маданият орқали ривожланиб кетаётган инсоният маънавий таназзули, "Баҳористон" каби буюк ахлоқий фазилатларни тараннум этадиган асарларни ўқиш ва ҳар томонлама ўрганиш зарур ва долзарбдир.

Жомий бутун ижодини комил инсон шаънига, халқ манфаатига бағишлаган, ўлмас асарларида инсонпарварлик, билим ва дўстликни тарғиб этган буюк шоир ва мутафаккирдир.

Унининг қадрли ва қимматли педагогик ғоялари китобни ғамхўр ва содиқ устоз сифатида улуғланинш ва уни барча илмлар манбаи санаб, илм ўрганишда вақтни беҳуда ўтказмасликни фарз ҳисоблашидир. Ул зот илмни санъат тожи, барча эшикларнинг очувчиси деб билган. У ўқитувчини ҳаёт муаммосини ҳал қилувчи шахс сифатида улуғлайди.

Шундай қилиб, форс-тожик мумтоз адабиёти мутафаккирларининг педагогик ғоя ва қарашларини ихчам ифодаласак, унда Рудакий донишмандлик ва билимни инсон онгини ривожлантиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобласа, Фирдавсий ота-онанинг фарзандига бўлган ҳурматида инсоннинг гўзал ахлоқий фазилатларидан бирини кўради. Синонинг назарида, ахлоқий тарбия руҳ тарбияси билан чамбарчас боғлиқ кўриниб, у инсонни ҳайвонлардан фарқини кўрсатадиган омил руҳ ва ақл деб ҳисоблайди. Саъдий тарбия, таълим, илм-фан ва атроф-муҳитни шахс шаклланишида муҳим манбалар деб билган. У таълим-тарбияни шахс камолотининг асосий омиллари сифатида талқин этган. Жомийнинг бутун ижоди комил инсон шаънига, халқ манфаатига бағишлангани ҳамда асарларидаги инсонпарварлик, билим ва дўстликка бўлган ёндашуви унинг замона руҳини ифода этишдаги энг буюк хизматларини акс эттиради.

Хулоса ва тавсиялар. Педагогик ғояларнинг форс-тожик мумтоз адабиётидаги талқини умуман аждодлар мумтоз адабиётдаги талқин билан муштараклиги тарбия масаласининг одамзод учун умумийлигидан дарак беради. Шунинг учун, форс-тожик мумтоз адабиёти мутафаккирларининг асарларини ўрганиш, таҳлил килиш, уларнинг ижоди ва таълим-тарбияга оид қарашларини педагогик нуқтаи назардан тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Зеро, улар ҳам ўз асарларида шахс маънавияти, одоб-ахлоқнинг юксак намуналари, оила, никоҳ, фарзанд тарбияси, ҳалол меҳнат, атроф-муҳитга оқилона муносабат каби фазилатларга оид қарашларни баён қилганлар ҳамда бошқа тилларда ижод қилинган, бироқ ўзларига ҳамзамон, ўхшаш, дидактик мазмундаги асарларга ҳамоҳанглик садосини яратганлар.

Демак, таълим тарбияга оид ғоя ва қарашларларнинг турли давр ва замонларда ўзгариши, мазмунидаги бири бирига ўхшамас фикр-мулоҳазалар учраб туриши, адабиётнинг ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдаги муҳим восита эканлигидан далолат бериб, унинг моҳияти ўзи замондоши бўлган педагогик ғояларнинг тасвирида жилваланади.

Бугунги глобаллашув жараёнида цивилизациялар тўқнашуви кучайиб, дунёда кўплаб муаммоларни келтириб чиқишга сабаб

[1] Наврўзова Г., Зоиров Э. Нақшбандия таълимотидаги ижтимоий-сиёсий қарашларларнинг тадрижий ўзгариши. // "Илмий тадқиқотлар ахборотномаси" журнали. СамДУ, 2003, 55-бет.

[2] Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, Ўзбекистон, 1999, 113-бет.

бўлган бир даврда ўтмишдан мерос бой қадриятларимизни ҳимоя қилиш муҳим масалага айланиб қолмоқда. Қайси тилда ижод қилинганидан қатъий назар, аждодларимиз осори атиқаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ва шу асосда миллий маънавият ва маданият ривожланишига эътибор қаратиш ҳам ўта муҳимроқдир. Зеро, ҳар бир халқ ва миллат юксалишининг асосий унсурларидан бири бу ўтмишдаги бой тажрибаларни таълим ва тарбия соҳасида қўллашдир. Шундан келиб чиқиб, замонавий педагогика фани ривожланишини янада такомиллаштириш учун мумтоз адабиётдаги педагогик ғоя ва қарашларнинг талқинидан ўринли фойдаланиш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

– педагогик тадқиқотларда таълим ва тарбия тизимини модернизациялаш жараёнини ёритишда мумтоз адабиёт вакиллари – буюк мутафаккирларнинг педагогик қарашларига эътиборни кучайтириш;

– педагогик ёндашувларни ишлаб чиқиш жараёнида таълим тизимида ўтмишда ижод қилган мутафаккирларнинг педагогик меросидан самарали фойдаланиш йўлларини асослаш ҳамда бу соҳада кутилган самарадорликка эришиш имконини яратиш;

– педагогика назариясининг миллий қисмини бойитиш мақсадида, мумтоз адабиёт асарларида инсоннинг иймони поклиги ва мустаҳкамлиги билан бир қаторда, ахлоқ-одоби, муомала маданияти, кундалик инсоний ва оилавий муносабатлари, маҳалла, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар билан ўзаро муомаласига алоҳида эътибор берилганлигини илмий парадигмаларга айлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. // Ш.Шомуҳамедов таржимаси. // «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1979.
2. Бондаренко С.М. Учите детей сравнивать. – Москва: Знание, 1981.
3. Голубков В. В. Методика преподавания литературы. – Москва: Госучпедгиз, 2002.
4. Жонматова Ҳ. Абуали ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида – Т.: "Ўқитувчи" – 1980.
5. Иванов С. Н. Пять веков узбекской газели – Москва: Наука, 1977.
6. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, Ўзбекистон, 1999.
7. Лейтес Н.С. Умственные способности и возраст. – Москва: Педагогика, 1971.
8. Маллаев Н.М. Навоий ижодиётинннг халқчил негизи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
9. Назар Эшонқул. Адабиёт – тарбия воситасими?.. https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/nazar-eshonqul-adabiyot-tarbiya-vositasimi/ (мурожаат санаси – 17.01.2023)
10. Наврўзова Г., Зоиров Э. Нақшбандия таълимотидаги ижтимоий-сиёсий қарашларнинг тадрижий ўзгариши. "Илмий тадқиқотлар ахборотномаси" СамДУ, 2003.
11. Рӯдакӣ А. Ашъор. Душанбе: «Адиб», 2007, с. 43.
12. Рудакий ва Бобо Тоҳир шеъриятидан Шоислом Шомуҳаммедов таржималари. Т., 1994.
13. Смагулов К. Н., Смагулов М. Н. Классические образовательные практики ислама на примере Центральной Азии: традиции и современность. // Мусульманский мир. – 2016. – https:www.brighthubedu cation.com
14. Ўринова Б. Ўзбекистон тарихини ўрганишда тарихий бадиий асарлардан фойдаланиш / Монография / Бухоро, БухДУ, – 2020.
15. Ҳамиджон Ҳомидий. Одамуш-шуаро — Абу Абдуллоҳ Рудакий // ttps://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/odamush-shuaro-abu-abdulloh-rudakiy/ (мурожаат санаси – 08.02.2023)
16. https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/sadiy-sheroziy/
17. https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/sadiy-sheroziy/